

## Ислоҳни ўзимиздан бошлайлик



18:40 / 04.01.2023 2357

Эр-хотин янги маҳаллага кўчиб ўтдилар. Эртаси куни улар нонушта қилиб ўтирганларида аёл кўшни хотиннинг ювилган кийимларни дорга илаётганини деразадан кўриб қолди ва «Кийимлар тоза эмас, аёл кир ювишни яхши билмас экан, эҳтимол унга сифатли совун керакдир» деди. Эри ташқарига қараб қўйди, лекин индамади.

Кўшни аёл ҳар сафар ювилган кийимларни қуритиш учун илаётганда аёл мазкур гапини такрорларди.

Орадан бир ой ўтиб, аёл кўшнининг уйи олдидаги арқонда тозалаб ювилган кийимларни кўриб ҳайрон бўлди ва эрига «Қаранг, кўшнимиз кийимларни тозалаб ювишни ўрганиб олибди, ким ўргатганини билмадим» деди.

Шунда эри: «Бугун эрта туриб деразамиз ойнасини артиб қўйдим» деди. Бировнинг арқонидаги илинган кийимларни «Тоза ювилмабди» дейишдан

аввал деразамиз ойнасининг тоза ёки тоза эмаслигига аҳамият берайлик.

**Нозимжон Ҳошимжон**